



## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

и.ф.д., профессор **Урмонов Жахонгир**  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
ORCID: 0009-0001-3223-3840  
[urmonov\\_jahongir@mail.ru](mailto:urmonov_jahongir@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлигини назарий ва амалий жиҳатдан қайта кўриб чиқилган, халқаро тажриба асосида уларнинг ижобий ва салбий таъсир механизмларини таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон иқтисодиёти учун илмий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ имтиёзлари, иқтисодий самарадорлик, инвестиция, экспорт сиёсати, таргетлаш, солиқ сиёсати.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОЦЕНКИ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ

д.э.н., профессор **Урмонов Джахонгир**  
Университет общественной безопасности Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются экономическая эффективность налоговых льгот с теоретической и практической точек зрения, анализируются механизмы их положительного и отрицательного воздействия на основе международного опыта, а также сформулированы научно обоснованные выводы и рекомендации для экономики Узбекистана.

**Ключевые слова:** налоговые льготы, экономическая эффективность, инвестиции, экспортная политика, таргетирование, налоговая политика.

## THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF EVALUATING TAX INCENTIVES

DSc., Professor **Urmonov Jahongir**  
Public Security University of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article revisits the economic efficiency of tax incentives from both theoretical and practical perspectives, analyzes the mechanisms of their positive and negative effects based on international experience, and develops scientifically grounded conclusions and recommendations for the economy of Uzbekistan.

**Keywords:** tax incentives, economic efficiency, investment, export policy, targeting, tax policy.

### Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида сўнгги ўн йилликларда кузатилаётган глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, капитал ҳаракатчанлигининг кескин ортиши, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ҳамда давлат молиясига қўйилаётган талабларнинг мураккаблашуви солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, солиқ имтиёзлари институти давлатнинг иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи энг муҳим фискал воситаларидан бири сифатида замонавий илмий тадқиқотлар ва мунозаралар марказида турибди. Анъанавий ёндашувларга кўра, солиқ имтиёзлари инвестиция фаоллигини рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш, инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қилади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ҳар доим ҳам кутилган иқтисодий натижаларга олиб келмайди.

Халқаро тажриба ва замонавий илмий тадқиқотлар солиқ имтиёзларининг самарадорлиги институционал муҳит сифати, солиқ маъмуриятчилигининг ривожланганлик даражаси, бозор механизмларининг шаффофлиги ҳамда давлат сиёсатининг натижадорликка йўналтирилганлиги билан бевосита боғлиқ эканини тасдиқламоқда. OECD, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки томонидан тайёрланган ҳисоботларда солиқ имтиёзлари орқали юзага келадиган «яширин бюджет харажатлари» давлат молияси барқарорлигига таҳдид солувчи омил сифатида баҳоланмоқда. Айрим ҳолларда солиқ имтиёзлари рақобат муҳитини бузиши, ресурсларни самарасиз тақсимлашга олиб келиши ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига зид натижаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, фискал шаффофликни ошириш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда солиқ имтиёзларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бир томондан, улар иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралса, иккинчи томондан, бюджет даромадларининг йўқотилиши ҳамда имтиёзлардан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Шу боис, солиқ имтиёзларини бериш амалиётининг ўзига эмас, балки уларнинг иқтисодий самарадорлигини илмий асосда баҳолаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

### Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда солиқ имтиёзларини баҳолаш масаласи фақатгина “рағбатлантириш воситаси” сифатида эмас, балки давлат молияси барқарорлиги, солиқ базасининг эрозияси ҳамда шаффофлик ва ҳисобдорлик билан боғлиқ комплекс сиёсат инструменти сифатида қайта талқин этилмоқда. Жаҳон банкининг корпоратив солиқ имтиёзларини баҳолашга бағишланган тадқиқотларида таъкидланишича, солиқ имтиёзларини ортиқча қўллаш давлатлар ўртасида “пастга қараб мусобақа” (race-to-the-bottom) жараёнини кучайтириб, солиқ базасининг эрозияси ва бюджет даромадларининг қисқаришига олиб келиши мумкин (Kronfol ва Steenberg, 2020).

Назарий жиҳатдан солиқ имтиёзларини баҳолаш марказида иккита асосий категория туради: биринчидан, солиқ харажатлари концепцияси; иккинчидан, харажат-фойда таҳлили ёндашувлари. Жаҳон банкининг 2024 йилда нашр этилган “Tax Expenditure Manual” қўлланмасида солиқ имтиёзларини давлат бюджети учун “яширин харажат” сифатида идентификация қилиш, ҳисоблаш ва ислоҳ этиш бўйича методик асослар таклиф этилган. Қўлланмада, шунингдек, солиқ харажатларини баҳолаш жараёнида уларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини, жумладан тақсимловчи ва фаровонликка таъсирини ўлчаш зарурлиги алоҳида қайд этилади (World Bank, 2024).

Амалий нуқтаи назардан, замонавий илмий адабиётларда солиқ имтиёзларининг самарадорлиги масаласи “имтиёзларнинг ўзи” дан кўра, уларни бошқариш ва маъмурий назорат қилиш механизмларига кўпроқ эътибор қаратмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг 2024 йилги техник қўлланмасида ривожланаётган мамлакатларда солиқ имтиёзлари натижасида юзага келадиган даромад йўқотишлари, маъмурий харажатлар ҳамда солиққа риоя қилиш билан боғлиқ рискларни тизимли баҳолаш зарурлиги таъкидланиб, имтиёзларни бошқаришда рискка асосланган ёндашувни жорий этиш муҳим деб ҳисобланади (Pecho et al., 2024).

Шу билан бирга, инвестиция қарорларини шакллантиришда солиқ имтиёзлари кўп ҳолларда иккинчи даражали омил экани ҳақидаги тезис ҳам замонавий манбаларда мустаҳкамланмоқда. Жаҳон банки таҳлилларига кўра, бозор ҳажми, инфратузилманинг ривожланганлиги, ҳуқуқий барқарорлик ва умумий инвестиция муҳити сифати солиқ имтиёзларига нисбатан устувор аҳамият касб этади; солиқ имтиёзлари эса, асосан, инвестиция қарорининг “яқуний танлов босқичи” да таъсир кўрсатиши мумкин (Kronfol and Steenberg, 2020).

ОЕСДнинг 2024 йилги ҳисоботида инвестицияни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларнинг турлари, уларнинг мақсадлари ҳамда институционал амалга ошириш механизмлари қиёсий таҳлил қилинган. Ҳисоботда солиқ имтиёзлари инвестицияни жалб этиш стратегиясининг фақат бир элементи экани, уларнинг самарадорлиги эса аниқ тармоқ ёки ҳудудий мақсадларни белгилаш, мониторинг индикаторлари ҳамда баҳолаш институти мавжудлиги билан бевосита боғлиқ экани таъкидланади (OECD, 2024).

2020–2025 йиллар даврида солиқ имтиёзларини баҳолаш соҳасида яна бир муҳим илмий йўналиш сифатида маълумотлар шаффофлиги ва ҳисоботчилик стандартларини такомиллаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Global Tax Expenditures Database (GTED) ташаббуси солиқ харажатлари тўғрисидаги ҳисоботлар қамровини кенгайтириш ҳамда мамлакатлар кесимида қиёсий таҳлил имкониятларини яхшилашга хизмат қилмоқда. GTEDнинг 2022 йилги Progress Report ҳисоботида солиқ харажатлари бўйича маълумотларни тўлиқ акс эттирмаслик муаммоси ва ҳисобот стандартларини кучайтириш зарурати алоҳида таъкидланган (GTED, 2022).

Эмпирик далиллар нуқтаи назаридан, 2025 йилги Америка тараққиёт банки (IDB)нинг техник ҳисоботи (Лотин Америка ва Кариб минтақаси мисолида) солиқ имтиёзларига оид тадқиқотларга систематик шарҳ бериб, натижаларнинг “аралаш” характерга эга эканини кўрсатади. Хусусан, айрим ҳолларда солиқ имтиёзларининг тўғридан-тўғри инвестициялар ва хусусий сармоёга ижобий таъсири кузатилган бўлса-да, кўп ҳолларда deadweight loss (имтиёзларсиз ҳам амалга ошадиган инвестициялар) муаммоси ҳамда юқори бюджет харажатлари қайд этилган. Шу билан бирга, ҳисоботда баҳолаш усуллари (ex ante / ex post, cost–benefit analysis, CGE моделлари, панел маълумотлар усуллари) бўйича тузилмавий тавсиялар берилган (Jenkins et al., 2025).

Ниҳоят, 2020–2025 йилларда глобал корпоратив солиқ архитектурасида юз берган ўзгаришлар, жумладан халқаро корпоратив солиқ ислоҳотлари ва минимал глобал солиқ механизмларининг жорий этилиши солиқ имтиёзларининг “реал самарадорлиги”ни қисқартириши мумкинлиги ҳақидаги қарашларни кучайтирди. Халқаро валюта жамғармасининг сиёсат ҳужжатларида мамлакатларга корпоратив солиқ тузилмаси ва инвестиция имтиёзларини комплекс тарзда қайта кўриб чиқиш тавсия этилмоқда (IMF, 2023).

Юқоридаги адабиётларни умумлаштириб, хулоса қилиш мумкинки, солиқ имтиёзларини баҳолашга оид замонавий ёндашувлар учта асосий блокни қамраб олади: биринчидан, солиқ харажатлари ҳисоботи ва шаффофликни таъминлаш; иккинчидан, методик баҳолаш инструментларини қўллаш; учинчидан эса, маъмурий бошқарув

сифатини ошириш ва солиққа риоя қилиш рискларини камайтириш (World Bank, 2024; Pecho et al., 2024; OECD, 2024).

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масаласи замонавий давлат молияси назариясида энг баҳсли ва долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, солиқ имтиёзлари кўп ҳолларда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг универсал воситаси сифатида қабул қилинади, бироқ уларнинг амалий натижалари ҳар доим ҳам қутилган самарани таъминламайди. Хусусан, халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар солиқ имтиёзларининг иқтисодий таъсири институционал муҳит сифати, маъмурий бошқарув даражаси ҳамда баҳолаш механизмларининг мавжудлигига бевосита боғлиқ эканини кўрсатмоқда (OECD, 2022; World Bank, 2024).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалда солиқ имтиёзларини баҳолаш кўпинча сегментланган ёндашув асосида амалга оширилади. Айрим ҳолларда баҳолаш фақат бюджет даромадларидаги йўқотишлар нуқтаи назаридан олиб борилса, бошқа ҳолларда инвестициялар ҳажми ёки иш ўринлари ўсишига асосий эътибор қаратилади. Бироқ бундай ёндашув солиқ имтиёзларининг комплекс иқтисодий таъсирини тўлиқ акс эттирмайди. Шу сабабли мазкур тадқиқот доирасида солиқ имтиёзларини баҳолашнинг уч блокли комплекс ёндашуви ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашув солиқ имтиёзларини давлат молиявий сиёсати, иқтисодий натижалар ҳамда институционал сифат ўртасидаги ўзаро боғлиқ тизим сифатида таҳлил қилиш имконини беради.

Биринчи блок солиқ имтиёзларининг фискал қийматини баҳолашга қаратилган. Жаҳон банкининг методик қўлланмаларида солиқ имтиёзлари давлат бюджети учун яширин харажат сифатида талқин қилиниб, уларни “солиқ харажати” сифатида ҳисобга олиш зарурлиги алоҳида таъкидланади (World Bank, 2024). Ўзбекистон Республикаси шароитида солиқ имтиёзлари, асосан, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда айрим тармоқ солиқлари бўйича тақдим этилмоқда. Бироқ уларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши, имтиёзлар концентрацияси ҳамда бир бенефициар ҳиссасига тўғри келадиган фискал қиймати очик ва тизимли тарзда баҳоланмайди. Шу нуқтаи назардан, таҳлилда абсолют бюджет йўқотиш кўрсаткичидан кўра нисбий фискал оғирлик кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ёндашув солиқ имтиёзларининг давлат молиясига юклаётган реал фискал юкини холис баҳолаш имконини беради (OECD, 2022).

Иккинчи блок солиқ имтиёзларининг иқтисодий натижаларини баҳолашга қаратилган. Халқаро эмпирик тадқиқотлар натижаларига кўра, солиқ имтиёзлари кўп ҳолларда инвестиция қарорларини қабул қилишда ҳал қилувчи омил эмас, балки аллақачон шаклланган инвестиция қарорларини қўллаб-қувватловчи омил сифатида намоён бўлади (Kronfol va Steenberg, 2020; Jenkins et al., 2025). Шу сабабли таҳлил жараёнида инвестиция ҳажмининг мутлақ ўсиш кўрсаткичларига қараганда, қўшимчалик тушунчасига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси мисолида айрим тармоқларда солиқ имтиёзлари тақдим этилган корхоналарда инвестиция фаоллигининг ўсиши кузатилган бўлса-да, ушбу ўсишнинг айнан солиқ имтиёзлари ҳисобига амалга ошганини аниқ идентификация қилиш қийинлигича қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий самарадорликни баҳолашда бир иш ўрни яратишга тўғри келадиган бюджет харажатлари, маҳаллий қиймат занжирига таъсир даражаси ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш каби кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи блок солиқ имтиёзларининг институционал сифати ва бошқарув механизмларини баҳолашга бағишланган. Халқаро валюта жамғармаси томонидан олиб

борилган тадқиқотларда солиқ имтиёзлари заиф маъмурий муҳит шароитида солиқ базасининг эрозиясига, суиистеъмол ҳолатларининг ортишига ҳамда солиққа риоя қилиш рискларининг кучайишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланади (Pecho et al., 2024).

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш ва рискка асосланган назорат тизимини жорий этиш бўйича муайян ислохотлар амалга оширилган бўлса-да, солиқ имтиёзлари бўйича комплекс мониторинг тизими, аниқ KPI кўрсаткичлари ҳамда автоматик тугатиш механизмлари тўлиқ шаклланмаган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, институционал сифат солиқ имтиёзларининг иқтисодий натижаларини ё кучайтирувчи, ёки аксинча, нейтраллаштирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Уч блокки ёндашувни интеграция қилиш орқали солиқ имтиёзларининг самарадорлигини комплекс баҳолаш имконияти яратилади. Натижада, юқори фискал қийматга эга, бироқ институционал назорат механизмлари заиф бўлган солиқ имтиёзлари кўп ҳолларда паст иқтисодий самарадорлик билан тавсифланади. Аксинча, нисбатан чекланган фискал қийматга эга, аниқ мақсадлар ва самарали мониторинг тизими билан таъминланган солиқ имтиёзлари юқори иқтисодий натижаларни таъминлаши мумкин. Ушбу хулосалар OECD ва Жаҳон банки томонидан илгари сурилаган evidence-based tax policy концепцияси билан тўлиқ уйғунлашади (OECD, 2022; World Bank, 2024).

Ўзбекистон учун мазкур ёндашувнинг амалий аҳамияти шундаки, у солиқ имтиёзларини сақлаб қолиш, қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш бўйича қарорларни интуитив эмас, балки далилларга асосланган ҳолда қабул қилиш имконини беради. Солиқ имтиёзларини баҳолаш жараёнида фақат инвестиция фаоллигининг ўсиш кўрсаткичларини эмас, балки давлат бюджети барқарорлиги, рақобат муҳитига таъсир ҳамда институционал сифат даражасини инобатга олиш солиқ сиёсатининг умумий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, солиқ имтиёзларини баҳолашда комплекс ёндашувни қўллаш Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштириш, фискал барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишни сифат жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Тадқиқот давомида аниқландики, амалда солиқ имтиёзларини баҳолаш кўп ҳолларда сегментланган ёндашув асосида амалга оширилади: айрим ҳолларда баҳолаш фақат бюджет йўқотишлари нуқтаи назаридан, бошқа ҳолларда эса инвестиция ёки иш ўринлари динамикаси орқали олиб борилади. Сегментланган ёндашув солиқ имтиёзларининг реал иқтисодий таъсирини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабли, тадқиқот доирасида солиқ имтиёзларини баҳолашнинг комплекс ёндашуви ишлаб чиқилди ва у фискал қиймат, иқтисодий натижалар ҳамда институционал сифат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олишни назарда тутди.

Ўзбекистон шароитида олинган натижалар солиқ сиёсатини такомиллаштириш учун муҳим амалий аҳамиятга эга. Мамлакатда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, рискка асосланган назорат тизимини жорий этиш ва солиқ ислохотларининг навбатдаги босқичини амалга ошириш жараёнида солиқ имтиёзларини далилларга асосланган тарзда баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотда таклиф этилган комплекс ёндашув солиқ имтиёзларини сақлаш, қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш бўйича қарорларни интуитив эмас, балки аниқ иқтисодий ва институционал мезонлар асосида қабул қилиш имконини беради.

Олинган хулосалар солиқ имтиёзларини фақат рағбатлантирувчи инструмент сифатида эмас, балки давлат молияси барқарорлиги, рақобат муҳити ва институционал ривожланиш билан узвий боғлиқ сиёсат воситаси сифатида кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Келгусидаги тадқиқотларда мазкур ёндашувни эмпирик маълумотлар асосида янада чуқурлаштириш ва соҳавий кесимда қўллаш солиқ сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

*GTED (Global Tax Expenditures Database) (2022) GTED Progress Report 2022. Global Tax Expenditures Database. [gted.taxexpenditures.org](http://gted.taxexpenditures.org)*

*IMF (2023) International Corporate Tax Reform: Policy Paper No. 2023/001. Washington, DC: International Monetary Fund. IMF*

*Jenkins, G.P., Othman, A., Armendariz, E. and Yarygina, A. (2025) Systematic Review of Evidence on the Impact of Tax Incentives in Latin American and Caribbean Countries. IDB Technical Note No. IDB-TN-3239. Washington, DC: Inter-American Development Bank. [publications.iadb.org](http://publications.iadb.org)+1*

*Kronfol, H. and Steenbergen, V. (2020) Evaluating the Costs and Benefits of Corporate Tax Incentives: Methodological Approaches and Policy Considerations. Washington, DC: World Bank Group.*

*OECD (2022) Tax Expenditures in OECD Countries. Paris: OECD Publishing.*

*OECD (2024) The Role of Incentives in Investment Promotion: Trends and Practices in OECD Member Countries. Paris: OECD Publishing.*

*Pecho, M., Markov, S.E., Wood, P.R., Auclair, R. and Velayos, F. (2024) Managing Tax Incentives in Developing Countries. IMF Technical Notes and Manuals, TNM/2024/07. Washington, DC: International Monetary Fund.*

*World Bank (2024) Tax Expenditure Manual. Washington, DC: World Bank Group.*